

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ  
КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**ТУРЕМУРАТОВ ШАРИБАЙ НАУРИЗБАЕВИЧ**

**ГИПСЛИ, ОҶАКЛИ ВА ОҶАКЛИ-БЕЛИТЛИ ДИСПЕРС  
БОҒЛОВЧИЛАРИНИ ОЛИНИШ ВА ГИДРАТЛИ СТРУКТУРА ҲОСИЛ  
БЎЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ МИНЕРАЛ МИКРОТЎЛДИРУВЧИЛАР  
БИЛАН БОШҚАРИШНИНГ КОЛЛОИД-КИМЁВИЙ АСОСЛАРИ**

**02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси**

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (DSc)**  
**Contents of the abstract of dissertation doctor of science (DSc)**

**Туремуратов Шарибай Науризбаевич**

Гипсли, оҳакли ва оҳакли-белитли дисперс боғловчиларини олиниш  
ва гидратли структура ҳосил бўлиш жараёнларини минерал  
микротўлдирувчилар билан бошқаришнинг  
коллоид-кимёвий асослари .....3

**Туремуратов Шарибай Науризбаевич**

Коллоидно-химические основы управления процессами создания и  
гидратационного структурообразования гипсовых, известковы  
и известково-белитовых вяжущих дисперсий минеральными  
микронаполнителями .....29

**Turemuratov Sharibay Naurizbayevich**

Colloid-chemical bases of processes control of creating and hydration structure  
formation of gypsum, lime and lime-belite binder dispersions of mineral  
microfillers .....55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....59

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ  
КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**ТУРЕМУРАТОВ ШАРИБАЙ НАУРИЗБАЕВИЧ**

**ГИПСЛИ, ОҶАКЛИ ВА ОҶАКЛИ-БЕЛИТЛИ ДИСПЕРС  
БОҒЛОВЧИЛАРИНИ ОЛИНИШ ВА ГИДРАТЛИ СТРУКТУРА ҲОСИЛ  
БЎЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ МИНЕРАЛ МИКРОТЎЛДИРУВЧИЛАР  
БИЛАН БОШҚАРИШНИНГ КОЛЛОИД-КИМЁВИЙ АСОСЛАРИ**

**02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси**

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.DSc/K71, рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг [www.iopx.uz](http://www.iopx.uz) ҳамда «Ziyounet» ахборот-таълим портали ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) миқдорида жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Ахмедов Улуг Каримович</b> кимё фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Гуро Виталий Павлович</b> кимё фанлари доктори, профессор <b>Аминов Собир Нигматович</b> кимё фанлари доктори, профессор <b>Эминов Ашрап Мамурович</b> техника фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Ўзбекистон миллий университети</b>

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ва Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «22» октябр 2019 йил соат 15<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 77а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: [iopx@uz@mail.ru](mailto:iopx@uz@mail.ru)).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 16 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 77-а. (Тел.: (99871) 262-56-60, факс: (+99871) 262-79-90).

Диссертация автореферати 2019 йил «9» октябр куни тарқатилди.  
(2019 йил «9» октябр № 16 рақамли реестр баённомаси).



**Б.С.Закиров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

**Д.С.Салиханова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д.

**С.А.Абдурахимов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., проф.

## **КИРИШ (фан доктори ( DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда қурилиш материалларини ишлаб чиқаришда айниқса уларнинг экологик тозаллиги ва энерготехнологияларига каби муҳим кўрсаткичлари долзарбдир. Маҳсулотларни истеъмол сифатлари ва функционал хоссалари: уни мустаҳкамлиги, энгиллиги, иссиқлик, товуш ва сув ўтказувчанлигини яхшилаш асосий вазифалардир. Шунинг учун замонавий қурилиш саноати материалларига қўйиладиган талабларга жавоб берувчи янги қурилиш материалларини яратиш учун камёб бўлмаган табиий ресурсларни қидириб топиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда табиий гипс ва карбонат минераллари асосида боғловчи материаллар олиш, уларни микротўлдирувчилар ёрдамида физик-коллоид хоссалари ва физик-механик сифатларини яхшилашда қуйидаги соҳаларда илмий ечимларни асослаш: дастлабки материалларни термик қайта ишлашда уларнинг коллоид-кимёвий хоссаларига ҳарорат таъсирини аниқлаш; табиий минераллар ва саноат чиқиндиларини микротўлдиргич сифатида қўллаш имкониятларини аниқлаш ва микротўлдирувчиларни структура ҳосил бўлишига таъсирини аниқлаш зарур.

Республикада қурилиш саноати учун тўлдирувчилардан фойдаланган ҳолда гипсли ва карбонат минераллар асосида самарадор боғловчи материаллар ишлаб чиқиш бўйича маълум даражада илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «саноатни сифат жиҳатидан янги даражага ўтказиш орқали уни юксалтириш, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш, янги турдаги маҳсулот ва технологияларни ўзлаштириш»<sup>1</sup> вазифалари қўйилган. Бу борада, жумладан қурилиш саноатини техник шартларига мос келувчи маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндилари асосида янги модификацион аралашмалар ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ва 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сонли «Кимё саноатини 2017-2021 йилларда ривожлантириш дастури», 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3855-сонли «Илмий ва илмий-техник фаолият натижаларини тижорат қилиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар» тўғрисидаги ҳамда 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сонли «Қурилиш материаллар саноатини ривожланишини жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги» Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947 “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги фармон.

вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи**<sup>2</sup>. Боғловчи материаллар системасида гидратли структура ҳосил бўлиш жараёнларини бошқаришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Los Alamos National laboratory (АҚШ), Princeton University (АҚШ), WollnerGMBH (Германия), IUBH (Германия), University of Miskolc (Венгрия), Гребенщикова номидаги Силикатлар кимёси институти, РФА (Россия), Д.И. Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети (Россия), Munich University of Applied Sciences (Германия), University of Koblenz-Landau (Германия), Belarusian State Technological University (Белоруссия), Kaunas University of technology (Литва), Gambarotta Gschwendt (Италия), Whitehopleman (Буюк Британия), МДҚУ (Россия), Жанубий Урал давлат университети ва Россия фанлар академияси қошидаги Темир бетонлар илмий тадқиқот институтида (Россия) олиб борилмоқда.

Жаҳонда боғловчи материаллар системасида структура ҳосил бўлиш жараёнларига оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: К, Mg ли  $\text{CaCl}_2$  эритмасида юмшоқ шароитларда десульфиллаш газлари тутган гипс чиқиндиларидан  $\alpha$ -ярим гидратли кальций сульфат олинган (Jiling University China); сувсиз фосфогипсни ярим гидратли кальций сульфат қўшиш орқали фаоллаштириб, гипс асосида намликни бошқариш учун материаллар олинган ва сорбция/десорбция хусусиятлари аниқланган (Wuhan University, Хитой); кальций силикатга сувни бирикиши жараёнида сирт юзаларини ўзгариши аниқланган (Portland Cement Associations Research and Development laboratories, АҚШ); ярим гидратли кальций сульфатга сувни бирикишига турли суюқликларни таъсири аниқланган (Friedrich-Alexander-University, Германия); боғловчи материаллар композицияси учун донадорланган гидрофобли қўшимча олинган (Dow Corning Corporation, АҚШ); гипсли боғловчи материалларни сувга чидамлилигини ошириш технологияси ишлаб чиқилган (В.Г.Шухов номидаги Белоруссия давлат техника университетидаги Илмий тадқиқот маркази).

Дунёда боғловчи материаллар системаларини хоссаларини бошқариш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда: минерал системалар асосида композицион материаллар ва

---

<sup>2</sup> Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <https://www.lanl.gov/>; <https://ehs.princeton.edu/>; <https://www.woellner.de/>; <https://www.iubh.de/>; <http://www.uni-miskolc.hu/en/>; <https://www.iscras.ru/>; <https://muctr.ru/>; <https://www.hm.edu/en/>; <https://www.uni-koblenz-landau.de/>; <http://en.belstu.by/>; [www.ktu.edu/](http://www.ktu.edu/); <https://www.gambarotta.in/>; <https://www.mgsu.ru/>; <https://www.susu.ru/>; [http://abbr\\_rus.academic.ru](http://abbr_rus.academic.ru) ва бошқа манбалар асосида шакллантирилган.

маҳсулотлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш миқёсини кенгайтириш; боғловчи материаллар дисперсиясида гидратли структура ҳосил бўлишини бошқариш ва уларни олиш усуллари тақомиллаштириш; композицион материаллар олиш жараёнига минерал тўлдирувчиларни таъсир этиш механизми ва ролини янада мустаҳкамлаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги кунга қадар Қорақалпоғистон ҳам ашё ресурслари асосида қурилиш материаллари турларини кенгайтириш бўйича ҳар томонлама тадқиқотлар олиб борилмаган. Лекин шундай бўлсада бошқа мамлакатларни адабиётларини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, чет эл олимларини ишлари боғловчи материаллар сифатида гипсли ва карбонатли минералларни хоссалари ва структурасини ўрганишга қаратилган. Жумладан, Ле-Шателье, Я.Вант-Гофф, А.А.Байков, Д.С.Белянкин, П.П.Будников, Л.Г.Берг, П.А.Рибиндер, Е.Е.Сегалова, А.В.Волженский, Ю.М.Бутт, А.В.Ферронская, В.Б.Ратинов, В.К.Саснаускас, Н.Б.Урьев, К.Келли, Д.Суттард, М.М.Сычев, Х.Ф.Тейлор, К.Андерсон ва бошқалар томанидан турли боғловчи дисперс системаларнинг физик- ва коллоид-кимёвий хоссалари ўрганилган.

Ўзбекистон олимлари К.С. Ахмедов, Ф.Л. Глекель, С.С. Хамраев, А.А.Агзамходжаев, Р.З. Копп, Т.А. Атакузиев, О.Асаматдинов, С.Н. Аминов, У.К. Ахмедов, Н.Х. Толипов ва бошқалар ўзларини тадқиқотлари билан маҳаллий гипсли ва карбонатли минералларни боғловчи материаллар сифатида ишлатилиш муаммоларини ҳал этишга маълум даражада ҳиссаларини қўшишган.

Илмий адабиётларда гипс ва оҳакли-белитли боғловчи (ОББ) асосидаги боғловчи материалларни қотиш муддатлари ва системалардаги структура ҳосил бўлиш жараёнларига турли тўлдирувчиларни таъсири тўғрисида маълумотлар мавжуд. Ҳозирги кунда гидратли қотиш қобилятига эга бўлган турли минерал системалар мисолларида ушбу жараённи тезлиги қаттиқ ва суюқ чегарадаги сирт хоссалар билан, структурани хоссалари эса – алоҳида тўқнашишлар сони ва мустаҳкамлиги ва мустақкамлик нисбатлари, ғоваклилик ва ички таранглик билан белгиланиши исботланган. Мос равишда ушбу жараёнларни бошқаришга янги ҳосил бўлувчиларни хоссаларни белгилайдиган гидратланадиган фаза табиатига боғлиқ равишда ва гидрат контакти – қўшимчалар ёки бошқа қаттиқ фазалар - тўлдирувчилар борлигига қараб танлаб ёндашиш керак. Шундай бўлсада уларни таъсир қилиш механизмлари ва минерал микротўлдирувчилар иштирокида структура ҳосил бўлишнинг турли босқичларидаги сувни бириктириши каби кўплаб саволларга ҳали ойдинлик киритилмаган. Минерал боғловчи моддаларни коллоид-кимёвий хоссалари гидратли структурани қотишни ҳосил бўлишига жиддий таъсир этади, бу эса олинадиган материални сифатини белгилайди.

Шу сабабли боғловчи материаллар системасида структура ҳосил бўлишида минерал микротўлдирувчилар табиати ролини тадқиқ этиш нафақат амалий, балки фундаментал жиҳатдан ҳам долзарб масаладир.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Қорақалпоғистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасининг ПФИ-3Ф, Ф-329 «Ганчли дисперс системаларда гидратацион структура ҳосил бўлиш жараёнлари ва хоссаларига минерал қўшимчаларни таъсирини тадқиқ қилиш» (2003-2007 йй); ПФИ ФА-Ф3-Т030 «Гипсли, оҳакли ва уларни дисперсияли аралашмалари асосида боғловчи системаларини олиш ва гидратли структура ҳосил бўлиш хоссаларини бошқариш жараёнларини тадқиқи» (2007-2011 йй.); ПФИ-7 «Қорақалпоғистон Республикаси табиий ва минерал-хом ашё ресурсларини қидириш ва рационал фойдаланишни илмий асосларини тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқишни илмий асослари» (2012-2016 йй); ФА-Ф-7-001 «Қорақалпоғистон карбонат минераллари асосида боғловчилар системаси олишни илмий асосларини яратиш ва физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш» (2017-2020 йй.), мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Қорақалпоғистон минераллари ва микротўлдирувчилари асосида олинган дисперсияли боғловчиларни гидратли структура ҳосил бўлиш жараёнларини бошқаришни коллоид–кимёвий усулларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

Қорақалпоғистон гипсли ва карбонат минераллари хом ашё базасини ўрганиш ва уларнинг кимёвий, физик-кимёвий, коллоид-кимёвий, физико-механик хоссаларини, минералогик таркибини тадқиқ қилиш;

гипсли, оҳакли ва карбонат хом ашёлари ва минерал тўлдирувчилари асосида минерал боғловчиларини олиниш усулларини ишлаб чиқиш;

боғловчи моддалар хоссаларини бошқаришда майда дисперсли минерал микротўлдирувчилар самарадорлигини коллоид-кимёвий асослаш;

олинган боғловчи моддалар ва маҳаллий минерал микротўлдирувчилар асосида қурилиш материаллари ва маҳсулотларини олишнинг усулларини ишлаб чиқиш;

ўрганилаётган боғловчи системалар асосида олинган қурилиш материаллари ва маҳсулотлари гидратли структура ҳосил бўлиш жараёнларини бошқаришни коллоид-кимёвий конуниятларини аниқлаш;

ишлаб чиқилган боғловчи таркиблар ва улар асосида олинган қурилиш материалларини тажриба-саноат синовларидан ўтказиш, техник-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Қорақалпоғистон минерал хом ашёлари асосида олинган гипсли, оҳакли ва оҳакли-белитли боғловчилар бўлиб ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** маҳаллий хом ашё ресурслари асосида гипсли, оҳакли ва оҳак-белитли боғловчилар олиш усулларини ишлаб чиқиш ва уларни гидратли структура ҳосил бўлиш ва қотиш жараёнларини бошқаришдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Рентгенографик, электрон микроскопия, ИҚ-спектроскопия, кимёвий, коллоид-кимёвий, физик-механик ва дифференциал-термик таҳлил усуллари фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

$\text{CaSO}_4$ -МТ- $\text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{Ca}(\text{OH})_2$ -МТ- $\text{H}_2\text{O}$  ва  $\text{CaO}$ - $\text{C}_2\text{S}$ -МТ- $\text{H}_2\text{O}$  системалардаги гидратли структура ҳосил бўлиш жараёнларига турли табиатли ва фаолликка эга бўлган Қорақалпоғистон майда дисперс минерал қўшимчаларни таъсир этиши аниқланган;

илк бор системаларда нормал ва гидротермал шароитларда кетадиган қотишда қаттиқ-суёқ фазавий реакцияларда минерал ҳосил бўлиш жараёнларини кетма-кетлиги аниқланган;

гидратли структура ҳосил бўлиш жараёнларини бошқаришнинг коллоид-кимёвий усуллари ишлаб чиқилган, ҳамда турли сув-қаттиқ нисбатларга эга бўлган уларни сувли суспензияларидаги коагуляция ва кристаллизацияли структура хоссаларига турли табиатга эга бўлган – кремнийли, карбонатли ва гилли майда дисперсли тўлдирувчилар турлари ва концентрацияларини таъсири аниқланган;

печда термик қайта ишлаш ва автоклавда гидротермал шароитда юқори физик-механик хоссаларга эга бўлган гипсли дисперс системалар олинган;

яримсувли гипс ва ангидридни гидратланиш ва қотиш жараёнини жадалаштириш учун Қорақалпоғистон микротўлдирувчиларни мақбул турлари (кварц ва лёсс тупроқ) ва уларни миқдорлари аниқланган;

дисперс оҳак гилларни термик қайта ишлашда кетадиган жараёнлар илмий асосланган ҳамда уларни қониқтирадиган коллоид-кимёвий ва физик-механик хоссаларга эга бўлган қурилиш материаллари ва маҳсулотларидаги ҳосил бўлаётган бирикмаларнинг автоклавли қотишдаги фазавий таркиби ва шароитлари аниқланган;

биринчи марта нормал ва гидротермал шароитларда маҳаллий минерал тўлдирувчилар (ангидрид, кальций карбонат) ёрдамида гидратли структура ҳосил бўлиш жараёнларини бошқариш орқали Окбурли ва Порлитау мергеллари асосида олинган оҳак-белитли боғловчи дисперсияларини физик-механик хоссаларини яхшилаш имкониятлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

олинган натижалар асосида боғловчи дисперс системаларда гидратацион структура ҳосил бўлиш жараёнларини мақсадли бошқаришни ривожлантириш имкони аниқланган;

ишлаб чиқилган принциплар Қорақалпоғистонда мавжуд бўлган хом ашё асосида кенг миқёсдаги боғловчи қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ички ва ташқи бозорларни тўла таъминлаш имкони яратилган;

оҳак гилларни термик қайта ишлаш учун топилган қонуниятлари асосида юқори техник-фойдаланиш сифатларига эга бўлган қурилиш материалларини олишнинг имконияти ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Олинган натижаларни ишончлилиги замонавий кимёвий, аналитик ва физик-коллоид-кимёвий таҳлил усуллари қўлланилганлиги билан тасдиқланади.

### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки,  $\text{CaSO}_4$ - $\text{MT-H}_2\text{O}$ ,  $\text{Ca(OH)}_2$ - $\text{MT-H}_2\text{O}$  ва  $\text{CaO-C}_2\text{S-MT-H}_2\text{O}$  системалардаги структура ҳосил бўлиш жараёнларига турли табиатли ва фаолликка эга бўлган Қорақалпоғистон майда дисперс минерал кўшимчаларнинг коллоид-кимёвий жиҳатдан таъсир механизмлари аниқланди. Бу эса гидратли структура ҳосил бўлиш жараёнларини бошқариш усуллариининг ишлаб чиқиши ва турли табиатли майда дисперсли тўлдирувчиларни сувли суспензияларда коагуляция хоссаларига таъсирини ва кристалл структураларини яхшилашда катта аҳамиятга эгаллиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти юқори сифатли гипсли, оҳакли ва оҳакли-белитли боғловчилар олиш учун хом ашё базасини кенгайтириши ва улар асосида юқори техник-фойдаланиш сифатларига эга бўлган қурилиш материалларини ишлаб чиқариш мумкинлиги билан белгиланади, шунингдек Қорақалпоқ давлат университети ва Навои кончилик институти Нукус филиалининг ўқув жараёнига хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Қорақалпоғистон гипсли ва карбонатли минераллари асосида юқори сифатли янги материаллар олиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Оқбурли ва Порлитау карбонат минераллари асосида оҳакли-белитли боғловчилар олиш технологияси «ХОРЖ КУРЫЛЫС» МЧЖ ҚҚда амалиётга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2019 йил 2 августдаги 01-07/01-1695-сон маълумотномаси). Натижада Қорақалпоғистоннинг баъзи карбонатли минераллари асосида таннархи 50% арзон бўлган оҳакли-белитли боғловчилар олиш имконини берган;

оҳак ва оҳакли-белитли боғловчилар асосида силикат материаллар олиш технологияси «Минтақавий мустақил сертификат маркази» ТК экспериментал базасида амалиётга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2019 йил 2 августдаги 01-07/01-1695-сон маълумотномаси). Натижада оҳак ва оҳакли-белитли боғловчилар, бархан, чифонакли ва глауконит кумлари асосида юқори физик-механик хоссаларга эга бўлган силикат материаллар олиш имконини берган;

автоклавли қайта ишланган, тўла ва кавакли силикат ғиштни олиш технологияси «ҚЎШКУПИР СИЛИКАТ ҒИШТ ЗАВОДИ» МЧЖда амалиётга жорий этилган (ҚР Қурилиш вазирлигининг 2019 йил 2 августдаги 01-07/01-1695-сон маълумотномаси). Натижада Қорақалпоғистон маҳаллий хом ашё ва минерал тўлдирувчилари асосида юқори физик-механик ва иссиқлик ўтказмайдиган хоссаларга эга бўлган тўла ва кавакли силикат ғиштлар олиш имконини берган;

Қорақалпоғистон маҳаллий гипсли минераллар асосида паст ҳароратли гипсли боғловчи ва юқори мустаҳкам гипсли боғловчиларни олиш технологияси «КНАУФ ГИПС БУХОРО» МЧЖда амалиётга жорий қилинган (ҚР Қурилиш вазирлигининг 2019 йил 2 августдаги 01-07/01-1695-сон маълумотномаси). Натижада Қорақалпоғистон маҳаллий хом ашёлари

асосида таннархи 35-40 % арзон бўладиган қурилиш гипси, ва юқори мустаҳкам гипс боғловчиларини олиш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 10 та халқаро ва 20 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 87 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 44 та мақола, жумладан, 37 таси республика ва 7 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ишнинг долзарблиги ва тадқиқотлар ўтказиш зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари тавсифланган, Республикамиз фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижалари амалиётга жорий қилинганлиги, чоп этилган илмий ишлар ва диссертациянинг структураси бўйича маълумотлар келтирилган.

**Диссертациянинг “Дисперс боғловчи системаларда гидратли структураларни ҳосил бўлиши ва хоссаларини ўрганилганлик муаммоларини таҳлили”** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи, жумладан карбонат ва гипсли минераллари, уларнинг коллоид-кимёвий ва физик-механик хоссалари ҳамда қурилиш саноатида қўлланиладиган боғловчи системаларни энг муҳим технологик хусусиятлари, уларни синфланиши, боғловчиларни ҳолатини ва уларда кетадиган жараёнларни бошқариш ҳақидаги мавжуд тушунчалар ўрганилган. Минерал боғловчилар яратишни коллоид-кимёвий асослари тўғрисида батафсил маълумотлар ҳамда кимёвий реагентлар - қотиш вақтларини бошқарувчи микротўлдирувчилар ва боғловчиларнинг бошқа технологик сифатлари келтирилган.

Адабиётлар таҳлили Қорақалпоғистон карбонатли ва гипсли минералларни янги материал ва реагентлар ҳамда улар асосида боғловчилар олиш учун қўллаш имкониятини аввалдан белгилайди. Ушбу бобда келтирилган илмий ишларга танқидий ёндашилган ҳолда тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари белгиланган.

Диссертациянинг **“Бошланғич материаллар ва микротўлдирувчиларни кимёвий, коллоид-кимёвий ва физик-механик кўрсаткичлари”** деб номланган иккинчи бобида Қорақалпоғистон Республикаси карбонат ва гипсли минераллар, микротўлдирувчиларни

кимёвий, кимёвий-минералогик таркиблари ва физик-механик сифатлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Намуналарни минералогик таркибини комплекс тадқиқ қилишда рентгенографик, термогравиметрик, электрон-микроскопик ва ИҚ-спектроскопик таҳлил усулларидадан фойдаландик.

Урге, Равшан, Айбуйир, Белтау, Кусханатау ва Хўжақўл бошланғич моддалари - гипсли дисперсия ва табиий гипсининг ўзгарган шакллари ва Устюрт, Мўйноқ, Қўнғирод, Порлитау, Оқбурли, Ашшитау, Жамансай, Белтау оҳак-карбонатли жинсларни (оҳакгил) кимёвий, кимёвий-минералогик таркиблари ва асосий физик- ва коллоид-кимёвий хоссалари аниқланди.

### 1-жадвал.

#### Карбонатли минералларнинг кимёвий таркиби, %

Конлар	SiO <sub>2</sub>	Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	CaO	MgO	SO <sub>3,умум.</sub>	Na <sub>2</sub> O	K <sub>2</sub> O	б.б.б.	Σ
Устюрт	13,93	7,28	3,62	26,9	2,5	0,1	0,1	0,08	42,27	96,78
Мўйноқ	20,5	4,45	0,87	32,2	2,8	След.	0,95	0,62	37,47	99,86
Қўнғирод	8,91	3,96	1,17	34,4	2,9	3,10	0,94	0,49	44,11	99,98
Порлитау	9,73	3,78	1,00	36,5	3,5	0,21	0,92	0,50	43,47	99,61
Оқбурли	7,68	5,81	1,10	46,5	2,1	3,70	0,80	0,73	31,55	99,97
Ашшитау	7,43	2,70	1,04	36,3	3,4	изи.бор	0,97	0,58	44,83	97,25
Жамансай	1,34	0,85	0,15	48,98	1,3	0,41	изи.бор	изи.бор	46,0	99,95
Белтау	13,68	3,60	1,70	25,41	15,77	0,45	изи.бор	изи.бор	39,10	99,71

Оҳакгиллар – ўзида карбонат (кальцит, доломит) ва гилли (каолинит, монтмориллонит, гидрослюдлар) қисмлар тутган ҳамда кварц, дала шпатлари ва бошқа қўшимчали чўкинди гилли-карбонатли тоғ жинсларидир. Карбонат ва гилли компонентларни нисбатига қараб узлуксиз қатор мавжуд бўлиши мумкин: 95-90% CaCO<sub>3</sub> тутган оҳакгилли оҳактош, 90-75% CaCO<sub>3</sub> тутган оҳакгилли оҳак, 75-40% CaCO<sub>3</sub> тутган табиий оҳакгил ва 40-20% CaCO<sub>3</sub> тутган тупроқли оҳакгил. Оҳакгилли оҳактош асосан паст навли оҳак ишлаб чиқариш учун ишлатилади, оҳакгилли оҳак - гидравлик оҳак ва ОББ ишлаб чиқаришда, табиий оҳакгил эса портландцемент ишлаб чиқаришда қимматбаҳо материал бўлиб ҳисобланади.

Табиий карбонат ва гипсли минералларни 4013-82 Дав.Станд. бўйича лабораторияда кимёвий тадқиқ қилинди. Кимёвий таҳлил натижалари 1 ва 2 жадвалларда келтирилган.

ҚР карбонат-гилли жинсларни кимёвий ва физик-кимёвий тавсифлари уларни турли боғловчи қурилиш материаллари: енгил оҳак, қурилиш оҳаги, оҳакли-белитли боғловчи, гидравлик оҳак ва романцемент, турли мақсадларда ишлатиладиган боғловчи моддаларни асоси сифатида ишлатилиши мумкинлигидан далолат беради.

2-жадвал.

Гипсли минералларнинг кимёвий таркиби, %

Оксидлар		Конлар					
		Урге 1	Равшан 2	Айбуйир 3	Кусханатау 4	Белтау 5	Хўжақўл 6
Хавода қуриган моддаги масса улушлари, %	SiO <sub>2</sub>	1,37	1,85	2,57	2,76	7,31	20,18
	TiO <sub>2</sub>	<0,01	0,035	0,051	0,015	0,019	0,15
	Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	<0,10	0,53	0,82	0,45	0,76	2,44
	Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	0,17	0,31	0,40	0,25	0,27	1,08
	MgO	0,65	0,70	0,60	0,4	0,5	0,5
	MnO	<0,01	<0,01	<0,01	0,01	0,01	0,02
	CaO	31,66	31,50	30,31	30,54	29,16	23,97
	Na <sub>2</sub> O	0,07	0,18	0,24	0,1	0,21	0,39
	K <sub>2</sub> O	0,03	0,36	0,21	0,11	0,22	0,37
	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	0,053	0,048	0,05	0,048	0,042	0,068
	SO <sub>3</sub> , сульфат	44,52	44,37	44,18	44,61	41,5	32,9
	Б.б.б.	21,33	20,06	20,52	20,68	19,95	17,91
	Σ	99,97	99,96	99,98	99,97	99,95	99,98
H <sub>2</sub> O, 320°	20,1	16,89	18,76	19,63	18,75	14,32	

Табий гипсли жинсларни минералогик таркибини комплекс тадқиқ қилиш натижасида улар бир-бирлари билан иккита сувли гипсни миқдори ва уни кўринишлари, қўшимчаларни миқдори, жумладан кварц, гил, доломит ва кальцитлар билан фарқланиши аниқланди.

Микротўлдиргич сифатида майда дисперсли моно- ва полиминералли табиий силикатлар кварц қуми (99,2 % SiO<sub>2</sub>), мармар кўринишидаги кальцит (96,5% CaCO<sub>3</sub>), каолинит (98,3% каолин) ва алюмосиликатлар - монтмориллонит ва лёсс тупроқлар олинди (3-жадвал).

3-жадвал.

Микротўлдирувчи намуналарини умумий кимёвий таркиби, %

Тўлдиргич тури	SiO <sub>2</sub>	Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	CaO	MgO	SO <sub>3</sub>	Na <sub>2</sub> O	K <sub>2</sub> O	Б.б.б	Σ
Кварц қуми	98,60	0,63	изи.бор	изи.бор	изи.бор	изи.бор	0,08	0,10	0,36	99,77
Мармар	0,54	0,42	0,16	53,73	0,81	изи.бор	0,40	0,16	42,73	98,95
Каолин	46,98	37,85	0,80	0,34	изи.бор	0,11	0,12	0,49	13,64	100,3
Лёсс тупроқ	49,80	11,13	4,00	13,90	2,01	изи.бор	1,32	1,88	15,31	99,35
Монтмориллонит	56,75	16,17	5,50	0,15	2,01	изи.бор	3,50	2,51	13,37	99,96

Рентгенографик таҳлилни XRD-6100 (Shimadzu, Japan) номли дифрактометр ёрдамида қилинди. Детекторни 4 град/дақ. 0,02 кадам билан доимий айланиши тезлигида, сканлаш бурчаги эса 4 дан 80°С гача бўлган ҳолда CuK<sub>α</sub> – нурланишни (β-фильтр, Ni, то режими 1,54178 ва трубкадаги кучланиш 30 мА, кв) қўлладик. Минерал намуналарини дифференциал-термик таҳлиллари Паулик-Паулик-Эрдей системали дериватографда 0,1 г намуна ва 9-10 град/дақ. ва гальванометрларнинг Т-900, ТГ-100, ДТА-1/10, ДТГ-1/10 даги сезгирлигида ўтказилди. Қайд этишлар атмосфера шароитида олиб борилди. Тутгич сифатида 7 мм ли қопқоқсиз платина тигелидан фойдаланилди. Эталон сифатида Al<sub>2</sub>O<sub>3</sub> дан фойдаланилди. ИҚ-ютилиш

спектрлари “Shimadzu” фирмасини IRTracer-100 (400-4000  $\text{cm}^{-1}$ ) PУE ва NiSAM (400-4000  $\text{cm}^{-1}$ ) спектрофотометрида намуналарни KBr билан пресслаш усулини қўллаш орқали қайд этилди.

Майда дисперсли тўлдирувчилар ўзларини табиатларидан қайтий назар улар доимо полидисперсдир, бу эса уларни физик-механик ва коллоид-кимёвий хоссаларига таъсир этади (4-жадвал).

#### 4-жадвал.

#### Минерал тўлдирувчиларни асосий физик-механикавий хоссалари

Тўлдирувчи тури	Намлиги, %	Зичлиги, $\text{г/см}^3$	Ҳажм массаси, $\text{г/см}^3$	Маълум даражадаги нисбий юза		Ранги
				ПСХ-2 жиҳозидаги, $\text{см}^2/\text{г}$	Паст ҳароратли адсорбция бўйича, $\text{м}^2/\text{г}$	
Кварц куми	0,15	2,70	1,1-1,15	2300-3200	3,33	Кул ранг
Мармар	0,20	2,72	0,9-1,0	2500-3500	4,04	Оқ
Каолин	0,59	2,48	-	12300-14000	18,33	Оч жигар
Лёсс тупроқ	0,53	2,56	0,35-0,4	25000-31000	33,61	Оқ
Монтмориллонит	0,47	2,50	-	40000-46000	42,03	Оч кул

Дастлабки материалларни кимёвий, физик-кимёвий ва физик-механик хоссаларини тадқиқ қилиш натижалари уларни гипсли, оҳакли ва оҳакли-белитли боғловчи системалар яратишда ишлатиш ва боғловчилар асосида яхшиланган физик-механик хоссаларга эга бўлган композицион, қурилиш, силикат материаллари ва маҳсулотлари олиш имкониятларини кўрсатади.

Диссертациянинг “**Гипсли ва оҳакли-белитли боғловчи системаларни олиш жараёнларини танланган минералларни термик қайта ишлаш орқали бошқариш**” деб номланган учинчи бобда термик қайта ишлашни янгидан пайдо бўлган гипсли минералли маҳсулотлар таркибига; гипсли боғловчи дисперсияларни асосий физик - ва коллоид-кимёвий, ҳамда физик-механик хоссаларига иссиқлик билан қайта ишлашни; термик қайта ишлаш ва майда дисперсли тўлдирувчиларни оҳакли-белитли бирикмаларни ҳосил бўлиш жараёнларига таъсирлари ўрганилган.

Термик қайта ишлаш жараёнларда гипс минерали таркибига кечаётган ўзгаришларни ва уларни боғловчиларни гидратацион қотишига таъсири аниқлаштириш учун гипсли минералларни турли ҳароратларда термик қайта ишлангандаги моддий таркиблари ўрганилди.

Ҳарорат ва қиздириш шароитига боғлиқ равишда кристаллизацияли суви, зичлиги, кристалларни шакли ва ўлчамлари, гидратланиш иссиқлиги, иссиқлик сиғими, эрувчанлиги, оптик ва бошқа физик-кимёвий ва механик хоссалари билан фарқланадиган турли шаклдаги кальций сульфат олинади. Олинган экспериментал маълумотлар таҳлили куйдириш ҳароратини йўналтирган ҳолда ва хом ашёли аралашмани дисперслигини ўзгартириш орқали турли ўзгарган шаклдаги гипсли минерал боғловчилар олиш мумкинлиги ҳақида хулоса қилишга имкон беради.

**Оҳакли-белитли бирикмаларни ҳосил бўлиш жараёнларига термик қайта ишлашни таъсири.** Кейинги тадқиқотларда таркиби ва амалий аҳамияти бўйича боғловчилар олиш учун мақбул хом ашё сифатида Оқбурли

(намуна №1) ва Порлитау (намуна №2) конларининг оҳақгиллари танлаб олинди.


Қорақалпоғистонни Оқбурли ва Порлитау конларининг оҳақгиллари асосида биринчи марта оҳақли-белитли боғловчи (ОББ<sub>1</sub>) олинди, оҳақгилларни термик қайта ишлашни мақбул тартиблари аниқланди, олинган маҳсулотларни кимёвий-минералогик таркиблари аниқланди (5-жадвал).

**5-жадвал.**

**Олинган оҳақли-белитли боғловчининг минералогик таркиби**

Оҳақгил кони	K <sub>асос.</sub>	Минераллар, %					
		C <sub>3</sub> A	C <sub>2</sub> F	CaSO <sub>4</sub>	CaO <sub>эрк.</sub>	C <sub>2</sub> S	Σ
Оқбурли	6,23	4,79	1,23	7,43	57,24	29,25	99,94
Порлитау	3,72	5,07	2,17	6,58	58,53	27,45	99,80

Хом ашё материаллари уларни қиздириш жараёнларида бир вақтда ўзида минералогик таркиб ва физик хоссаларни ўзгариши билан мураккаб ўзгаришларга учрайди (1-расм). Келтирилган электрон-микроскопик расмлардан кўриниб турибдики, эркин ҳолидаги кальций оксид паға-паға ва думалоқ кристаллар кўринишида, β-C<sub>2</sub>S эса рангсиз думалоқ ва овал кўринишларда бўлади. Уч кальцийли алюминат изотермик квадрат ва думалоқ доналар кўринишига эга. Кальций феррит эса ингичка игнасимон кристаллар кўринишида бўлади.



**1-расм. 90 дақиқа мобайнида 1000°C да қайта ишлаб олинган ОББ<sub>1</sub> намуналарнинг электрон-микроскопиялари: 1-Оқбурли; 2-Порлитау (20 минг марта катталаштирилган).**

Хом ашёга 5, 10 ва 20% кварц қуми қўшиб боғловчилар олиш жараёнларини бошқариш амалга оширилди (мос равишда ОББ<sub>2</sub>-5, ОББ<sub>2</sub>-10 ва ОББ<sub>2</sub>-20). Оҳақгилларни кварц қуми билан термик қайта ишлаш маҳсулотларининг минералогик таркиби 6-жадвалда келтирилган. Хом ашёвий аралашмага мақбул миқдорда (оҳақгилни массасига 20%) кварц қуми қўшиш йўли билан β-икки кальцийли силикат ҳосил бўлиш жараёнини бошқариш мумкин ва бунда термик қайта ишлаш маҳсулотларида (ОББ<sub>2</sub>-20)

эркин CaO ни SiO<sub>2</sub> билан таъсирлашиш ҳисобига уни миқдорини 38-40% га ошириш мумкин.

**6-жадвал.**

**Оҳақгилларни кварц қуми билан термик қайта ишлаш маҳсулотларини минералогик таркиби**


Оҳақгиллар кони	Қум	K <sub>асос</sub>	Минераллар,%				
			C <sub>3</sub> A	C <sub>2</sub> F	CaSO <sub>4</sub>	CaO	C <sub>2</sub> S
Оқбурли	5	5,52	6,32	9,65	7,79	28,17	48,13
Оқбурли	10	3,24	6,93	9,88	7,83	16,93	50,31
Оқбурли	20	1,07	7,65	10,13	9,65	3,05	67,94
Порлитау	5	4,89	8,07	9,48	7,87	25,74	48,29
Порлитау	10	2,37	9,76	9,52	7,91	15,03	55,97
Порлитау	20	1,75	10,38	11,95	7,80	1,43	65,78

Ўрганилган оҳақгилларни кварц қумисиз ва кварц қуми қўшилган ва мос равишда ОББ<sub>1</sub> ва ОББ<sub>2</sub> ларни олишни мақбул катталиклари 1000°С да 90 дақиқада термик қайта ишлаш эканлиги аниқланди. Рентгенфазавий, ИҚ-спектроскопия, электрон-микроскопия ва таҳлилнинг бошқа усулари билан термик қайта ишлаш маҳсулотларида эркин кальций оксид, β-икки кальцийли силикат, кальций алюминат ва феррит борлиги аниқланди.

Шундай қилиб, Оқбурли ва Порлитау оҳақгил намуналарини турли ҳароратларда термик қайта ишлашни мақбул ҳарорати 1000°С ва давомийлиги 90 дақиқа эканлиги физик-кимёвий тадқиқотлар натижалари кўрсатиб турибди. Бундай шароитда энг кўп миқдорда эркин кальций оксид ва β-икки кальцийли силикат, кам миқдорда эса кальций алюминат ва феррит ҳосил бўлади.

Диссертациянинг **“Гидратацияли структура ҳосил бўлиш жараёнларини бошқариш ва уларни гипсли ва гил-гипсли боғловчи системаларнинг дисперсиясидаги хоссалари”** деб номланган тўртинчи бобида микротўлдирувчисиз ва микротўлдирувчили турли шаклли гипсли боғловчилар системаларида гидратацион структура ҳосил бўлиш жараёнларини коллоид-кимёвий асосларини тадқиқот натижалари келтирилган.


Турли термик қайта ишлашда ҳосил бўладиган, битта кимёвий табиатга эга бўлган (кальций сульфат), аммо турли ҳароратларда қайта ишлаш натижасида турли эрувчанлик ва дисперсликка эга бўлган CaSO<sub>4</sub>·2H<sub>2</sub>O; CaSO<sub>4</sub>·0,5H<sub>2</sub>O; CaSO<sub>4</sub>(эрув); CaSO<sub>4</sub> (эримай) боғловчи системалар қаторида структурани ҳосил бўлиш жараёнларига минерал тўлдирувчиларни тури ва концентрациясини таъсири кўриб чиқилди. Ушбу қаторда тайёр ҳолидаги икки сувли гипс асосан коагуляцион, термик қайта ишланган гипслар эса гидратацияли структура ҳосил қилади, янги ҳосил бўлган кристалларни ажралиши, ўсиши, дастлабки каттик фаза заррачалари ва улар ўртасида контактларни шаклланишига қўшимча минерал компонентлар табиатининг таъсири ўрганилди.



**2-расм. Иккита сувли кальций сульфат структурасини ҳосил бўлиш кинетикасига сув-қаттиқ нисбатни таъсири.**

Турли С/Қ нисбатлардаги иккита сувли гипс суспензияларини пластик мустаҳкамлиги ( $P_m$ ) системадаги сувнинг миқдорига боғлиқлиги яққол кўринади ва бу коагуляцион структура ҳосил бўлишга хосдир (2-расм). С/Қ ни 0,25 дан 0,40 гача ортиши мустаҳкамликни уч марта ортишига олиб келади – 3,55 дан 10,50 кг/см<sup>2</sup> гача.

Эрувчанлиги ва дисперслиги фарқ қиладиган минерал тўлдирувчиларни тури ва концентрациясини турли ҳароратларда олинган боғловчили системаларда структурани шаклланиш жараёнларига таъсири ўрганилди (3-расм).




**3-расм.  $\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O} - \text{MT} - \text{H}_2\text{O}$  пастасида структура ҳосил бўлиш кинетикасига тўлдирувчиларнинг тури ва концентрациясини таъсири.**

Юқори дисперсли каолин ва монтмориллонитли тўлдиргичли аралашмалар вақт ўтиши билан сувли пасталарда икки сувли гипсни мустаҳкамлигиданда юқорироқ бўлган коагуляцияли структураларни ҳосил қилади ва бу мустаҳкамлик гипсни миқдори ортиши билан мос равишда камайиб боради. Ушбу маълумотлар иккиламчи гидратларни қўшимчаларга мойиллигини билвосита баҳолашга хизмат қилиши мумкин. Вақт ўтиши билан (4-7 кун) сув-қаттиқ нисбат омили барча системалар учун аҳамиятсиз бўлиб боради.

Икки сувли кальций сульфатдан фарқли ўлароқ, ярим сувли гипс сувда яхши эришга эга бўлиб, икки сувли гипс билан ўта тўйинган эритмалар ҳосил қила олади ва у бу эритмалардан  $\text{CaSO}_4 \cdot 0,5\text{H}_2\text{O}$  системани гидратацияли қотишига сабаб бўлади.

Гипс минералини  $200^\circ\text{C}$  ҳароратгача куйдириш маҳсулотларида асосан ярим сувли гипс бўлади, кристаллизацион структурани ҳосил бўлиши асосан жараённинг бошланғич даврида юзага келади. Киритилаётган инерт тўлдирувчини концентрацияси ортиши ва вақтни ўтиши билан структурани яхлитлиги бузилади ва бутун системани мустаҳкамлиги камаяди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, тўлдирувчи гидратларни ажаралиши ва кристалланишига қўшимча сифатида хизмат қилиб, дастлабки заррачаларни бу жараёндан озод этади ва уларни эрувчанлигини жадаллаштиради ва буни боғловчи ва тўлдирувчи нисбати 1:4 бўлгандаги суюлтирилган суспензияларни солиштирма электр ўтказувчанлигини ўзгариш кинетикасини ўлчаш орқали яққол кузатиш мумкин (4-расм).



**4-расм.  $20^\circ\text{C}$  да  $\text{CaSO}_4 \cdot 0,5\text{H}_2\text{O}$ -МТ- $\text{H}_2\text{O}$  ни сувли суспензиясини солиштирма электр ўтказувчанлик кинетикасига тўлдирувчи турини таъсири.**

Кўриниб турибдики, барча тўлдирувчили аралашмаларда 1-5 дақиқадаёқ иккигидратли эритмаларга нисбатан ўта тўйинган эритмалар ҳосил бўлади ва эгри чизиклар тезда бир хил даражага эга бўлиб қолади. Энг катта электр ўтказувчанлик монтмориллонитли аралашмага мос келади. Тўлдирувчини солиштирма сирти қанчалик катта бўлса намунани сув билан таъсирланиши биринчи сонияларидаги кўтарилиш қисми тезроқ системани мувозанат

ҳолати билан алмашади (æ-τ эгри чизиклари параллел вақт ўқиға тўғри чизикли қисм билан чиқади). Бунда иккиламчи иккита сувли гипсни электр ўтказувчанлиги яримта сувли гипс олинган иккита сувли гипсга қараганда бир қанча катта, бу эса гидратланиш маҳсулоти бўлган иккиламчи гипсни дисперслиги юқори эканлиги ва мос равишда эрувчанлиги яхши эканлигини кўрсатади.

Концентрланган гипсли суспензияларда структура ҳосил бўлиш кинетикасига тўлдирувчиларни таъсири ўрганилди (7-жадвал).

Янги ҳосил бўлган гидратлар сув билан таъсирлашганда кристаллар ҳосил қилади ва бу кристаллар ўсиш жараёнида ўзаро киришиб кетиб юқори мустаҳкамликка эга бўлган конденсацион-кристаллик структурани беради. Жараён тез боради ва 15-30 дақиқа ўтгандан кейиноқ системада энг юқори мустаҳкамлик пайдо бўлади. Бунда конденсацион-кристалли структурани асосий барча белгилари намоён бўлади: кристаллар орасидаги ўзаро фазавий контактлар мустаҳкамлигини белгиловчи - коагуляцияли структурага нисбатан мустаҳкамлик, бузилиш характерини қайтар эмаслиги – яққол эластиклик ва мўртлик ва кам қайишқоқлик, фазавий контактларни ҳосил бўлиш жараёнида ички тарангликни мавжудлиги.

7-жадвал.

**CaSO<sub>4</sub>·0,5H<sub>2</sub>O нинг концентрланган суспензияларида структура ҳосил бўлиш кинетикасига кварц миқдори ва сув-қаттиқ нисбатни таъсири**

Кварцли кумнинг аралашмадаги миқдори, %	P <sub>m</sub> кг/см <sup>2</sup>											
	1 дақ.	5 дақ.	15 дақ.	30 дақ.	1 с	2 с	4 с	6 с	1 кун	2 кун	4 Кун	7 Кун
C/K=0,60												
-	0,00	0,9	122	137	122	125	19	130	122	125	125	126
10	0,10	20,4	127	118	116	111	113	104	102	104	102	52
30	0,00	20,4	78,8	76,9	79,4	75,1	70,1	66,1	61,5	62,7	56,8	53,4
50	0,00	4,2	37,4	36,0	35,3	33,3	31,1	29,9	28,8	25,8	26,4	25,8
70	0,00	2,3	16,4	14,6	13,2	11,8	10,9	10,8	8,9	8,7	8,7	8,3
90	0,00	0,0	2,6	2,1	1,7	1,2	0,8	0,9	0,4	0,4	0,2	0,1
100	0,00	0,0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
C/K=0,50												
-	0,30	4,1	190	193	185	197	172	165	166	165	171	150
10	1,1	144	159	171	168	161	156	153	156	140	148	142
30	0,2	30,9	115	117	108	99	99	95	90	89	92	94
50	0,00	19,7	66,4	69,0	66,4	58,8	54,6	53,7	51,2	48,0	47,7	47,7
70	0,00	4,6	26,6	25,4	23,3	20,4	19,2	19,7	17,6	17,3	16,0	15,7
90	0,00	0,1	3,9	3,3	2,9	2,5	2,5	2,3	1,1	1,2	1,2	0,7
100	0,00	0,0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0


Кальций сульфатни сувсиз ва сувли шаклларини ўз ичига олган CaSO<sub>4</sub>-H<sub>2</sub>O системаси учун бир томондан сув-қаттиқ нисбатини ўзгартириш орқали, иккинчи томондан майда дисперсли минерал қўшимчалар қўшиши орқали қотиш структурасини ғоваклиги ва мустаҳкамлиги орасидаги боғлиқлик аниқланди.

Микротўлдирувчиларни табиати нафақат янги пайдо бўлган гидратларни ажралиш шароитларига, балки уларни кристалланишига, системада локалланишга ва контактларни шаклланишига ҳам таъсир этиши кўрсатилди.

Кварц ва лёсс тупроқни гидратланиш ва қотишни жадаллаштирувчи ярим сувли гипс ва ангидрит учун мақбул микротўлдирувчиларнинг тури ва кўшиш микдорлари аниқланди.

Эрувчан ангидрид ярим сувли гипсга ўхшаб сувсиз кальций сульфатни сув билан таъсирлашиш ҳисобига икки сувли гипс ҳосил қилиш орқали гидратацияли қотиш қобилятига эга. Эритмани ўта тўйинганлиги ярим гидратга нисбатан эриш тезлиги кичик бўлган ангидритни эритиш орқали ушлаб турилади, бу ҳолат солиштирама электр ўтказувчанлик ва кальций сульфатни суолтирилган суспензияни суюқ фазасини таркиби орқали яққол кўриш мумкин.

Гипс минералларини 300°C дан юқори ҳароратда қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни (асосан эрувчан ангидрит тутган) эриш тезлиги ярим гидратга нисбатан паст.  $\text{CaSO}_{4\text{эрий.}}$ -тўлдирувчи- $\text{H}_2\text{O}$  системадаги структура ҳосил бўлиш жараёнлари ўрганилди (5-расм).



**5-расм.  $\text{CaSO}_{4\text{эрувчанг}}$ -тўлдирувчи- $\text{H}_2\text{O}$  системасида сув бириккандан 1 соат кейин ҳосил бўлган гипсли тошни синган жойини сиртидан олинган электрон суратлар. а-х450, б-х1500.**

$\text{CaSO}_{4\text{эрувчанг}}$ -тўлдирувчи- $\text{H}_2\text{O}$  системада ҳосил бўлган гипсли тошни синган жойини юзасидан олинган электрон суратлар шуни кўрсатадики, пасталарни мәрмәр ва кум кўшимчаларида мустаҳкамланиши янгидан ҳосил бўлган маҳсулот ва бу материаллардан ҳосил бўлган ёстикчалар ўртасидаги нисбатан зич ва мустаҳкам контакт натижаларидир. Монтмориллонит ва каолин сиртларидаги иккита сувли гипсни кристаллари жуда майда ва ёмон кристалланган. Ушбу минераллар кристалларни шакли ва ўлчамини ёмонлашиш тарафига таъсир этади. Ўзини полиминерал таркиби туфайли

лесс тупроқ оралиқ ҳолатни эгаллайди. Тахмин қилиш мумкинки, икки гидратни кристалланиш тезлиги ва даражасига қўшимчалар табиатини турли таъсирларини гипсли суспензиядаги эрувчан компонентларга нисбати аввало эса CaO га нисбати билан тушунтириш мумкин.

700°C ҳараоратда олинган эримайдиган ангидрит агидритли боғловчини асоси бўлиб ҳисобланади. Олиниш усулига кўра ангидритли боғловчилар куйдирилмаган ва куйдирилган турларига бўлинади. Куйдирилмаган турларига табиий ангидритлар, куйдирилган турларига эса суъний тайёрланган CaSO<sub>4</sub>·2H<sub>2</sub>O ни 600-700°C ҳароратда куйдиришдан ҳосил бўлган ангидрит киритилади. Сув-қаттиқ нисбати суспензияни P<sub>m</sub> ўзгариш характерига таъсирини ўрганиш вақтида шуни таъкидлаш мумкинки, нормал ҳолдаги қоришмадаги (C/Қ=0,30) сезиларли пластик мустаҳкамлик 6-чи соатда кузатилади, C/Қ 0,40-0,50 гача оширилганда эса бу ҳолатни 2 кунгача ортга сурилишига, системадаги сувни 5-7% га ортиши эса 40 кундан кейин мустаҳкамликни беш марта камайишига олиб келади.

Гипсли боғловчиларда гидратли структура ҳосил бўлиши ва CaSO<sub>4</sub> эримай.-МТ-Н<sub>2</sub>О системасини концентрланган пасталарини гидратланишига микротўлдирувчиларнинг таъсири ўрганилди (8-жадвал).

Эримайдиган ангидритни гидратланиш даражаси бошланғич муддатларда (1 кунгача) бор-йўғи 4,5% ни, кварц ва мармар иштирокида 5% ни, гилли тўлдирувчилар қўшилганда эса 4-5 марта ортиши кузатилиб, у 16-20% га етади.

#### 8-жадвал.

#### CaSO<sub>4</sub> эримайдиган.ни гидратланишига тўлдирувчиларни таъсири

Тўлдирувчи		Махсулотнинг гидратланиш даражаси, %					
Номи	Аралашмадаг и микдори, %	1 соат		1 кун		7 кун	
		CaSO <sub>4</sub> ·2H <sub>2</sub> O : CaSO <sub>4</sub>		CaSO <sub>4</sub> ·2H <sub>2</sub> O : CaSO <sub>4</sub>		CaSO <sub>4</sub> ·2H <sub>2</sub> O : CaSO <sub>4</sub>	
Тўлдирувчисиз		3,4	95,6	4,5	95,2	26,6	73,1
Кварц	10	4,0	95,5	4,1	95,5	29,0	78,8
	30	5,1	94,3	5,0	94,9	31,3	68,5
Мармар	10	4,2	95,4	4,9	94,5	30,6	69,0
	30	4,3	95,2	4,8	94,4	32,2	68,0
Каолин	10	4,5	95,0	20,3	80,1	34,4	65,3
	30	6,6	93,1	29,5	70,2	42,7	57,1
Монтмориллонит	10	12,5	87,1	16,7	82,6	33,6	65,8
	30	12,7	86,7	15,6	84,4	52,0	48,0
Лесс тупроқ	10	6,8	93,0	16,9	83,1	34,8	65,0
	30	5,9	94,0	20,8	79,1	48,7	51,2

Гидратланиш даражаси ўсишини фарқлари камая бошлагандан, гарчи уни абсолют қиймати 1,5-2 марта катта бўлсада, 7-чи кундан бошлаб тўлдирувчиларни структура ҳосил бўлишининг жадаллаштирувчи таъсирлари намоён бўлади. Паст куйдиришли гипсли боғловчилардан фарқли ўлароқ юқори куйдиришли гипсли боғловчиларда қотувчи масса ҳажмини ортиши кузатилмайди ва бу ҳолат қаттиқ структуранинг кўп вақт йўқлиги ҳисобига кристалларни таранглигини релаксацияси билан боғланган.

Майда дисперсли кварц қумини боғловчига нисбатан 10% миқдорини кўшиш, келиб чиқишидан қаътий назар барча ўрганилаётган намуналарни куйдириш маҳсулотларини гидратли қотиши ва боғланиши учун фаолловчи сифатида тавсия этиш мумкин.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, турли кўринишдаги гипсли боғловчиларни қотиш ва гидратли структура ҳосил бўлиш жарёнларида тўлдирувчининг табиати энг муҳим аҳамиятга эга. Системаларда компонентларни мақбул нисбатларини аниқлаш энг юқори қийматли мустаҳкам боғловчи материаллар олиш имкониятини беради.

Диссертациянинг “**СаО-С<sub>2</sub>S-минерал тўлдирувчи-Н<sub>2</sub>О системасида гидратацияли структура ҳосил бўлишини бошқариш**” деб номланган бешинчи бобида оҳакли-белитли боғловчи система дисперсияларида гидратацияли структуранинг ҳосил бўлиш жараёнларини ўрганиш натижалари келтирилган ва улар асосида оҳакли-белитли боғловчи моддалар ва турли маҳсулотлар олиш технологияси ишлаб чиқилган.

ОББ<sub>1</sub> оҳагилларини термик қайта ишлаш маҳсулотлари уларни сув билан таъсирлашиши билан қотиши иккита йўналишда бориши мумкин: енгил оҳакни қотиш тури, ҳамда гидравлик боғловчиларни қотиш тури бўйича. Бу ОББ<sub>1</sub> таркибида кўп миқдорда эркин ҳолдаги оҳакни борлиги ва у асосан ҳавода қотади, силикат, алюминат ва ферритлар эса аввал ҳавода қотгандан сўнг сувли муҳитда ҳам қотиши билан боғлиқ. ОББ<sub>1</sub> ни концентрланган пасталарида гидратли структуранинг ҳосил бўлиш жараёнларини ўрганиш натижасида мустаҳкам структурали шаклларни ҳосил бўлиш кинетикасига гидратланувчи фаза табиатининг ролини аниқлашга имкон беради.

ОББ<sub>1</sub> пасталарида структура ҳосил бўлиш кинетикасига сув-қаттиқ нисбатларнинг таъсирини ўрганиш натижалари 9-жадвалда келтирилган.

#### 9-жадвал.


#### Оқбурли оҳагиллари асосидаги пастасида структура ҳосил бўлиш кинетикасига сув-қаттиқ нисбатни таъсири (Pm, МПа).

Пишири лиш вакти, дақ.	С/К	Ўлчаш вақтлари											
		дақиқалар			соатлар			кунлар					
		1	15	30	1	3	6	1	3	7	14	28	40
60	0,90	0,48	2,69	4,01	7,37	9,78	10,2	13,2	13,81	13,50	14,31	18,30	20,00
-«-	1,00	0,33	2,45	3,77	7,18	9,42	10,3	12,1	13,51	13,01	13,98	17,9	20,67
-«-	1,20	0,18	1,51	2,61	6,81	8,12	9,70	11,8	12,64	12,76	12,90	16,12	19,80
90	0,90	0,98	4,29	8,34	8,74	9,31	13,3	15,6	20,53	16,63	14,24	20,40	28,75
-«-	1,00	0,56	5,47	7,01	7,74	10,9	13,1	12,1	13,39	14,48	14,48	18,30	23,42
-«-	1,20	0,40	4,34	6,85	7,75	10,0	10,4	12,0	13,00	14,01	13,85	17,90	21,34
120	0,90	0,87	4,51	7,15	7,20	8,55	13,9	14,0	15,53	16,45	15,30	19,10	27,76
-«-	1,00	0,68	3,70	6,40	6,35	8,79	12,9	13,1	13,59	14,62	14,10	18,75	25,27
-«-	1,20	0,36	1,92	4,17	5,44	7,16	12,9	13,0	12,45	13,69	12,57	18,05	23,14

Жадвалда келтирилган маълумотларни солиштириш шуни кўрсатадики, 1000°С ва 90 дақиқа мобайнида куйдиришда ОББ<sub>1</sub> асосида олинган

